O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

TOSHKENT

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 100 (9.138) * 1998 йил 26 август, чоршанба * Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
*ФАРМОНИ*

## «ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон чемпионатларида, олимпия ўйинларида ва шуларга тенг жаҳон спорт анжуманларида юксак спорт натижаларига эришган ҳамда ўз ютуқлари билан Ватан обрўсини, шони ва шуҳратини улуғлашга кўмаклашган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонини белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ ушбу фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*
*И. КАРИМОВ.*

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 август.

## Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан

## БУНЁДКОРЛИКНИНГ ШИДДАТЛИ ОДИМЛАРИ

**Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. ТЎЛАГАНОВ билан суҳбат**



**— Козим Носирович, биз мустақилликнинг яна бир йилини ўтказдик. Анъанага кўра биз яна сиз билан мамлакатимизнинг буюк байрами етти йиллиги арафасида учрашмоқдамиз. Айтингчи, бу йил қандай зафарларга бой бўлди, тошкентликлар ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берди?**

— 1998 йилнинг Тошкент солномасида муносиб ўрин эгаллаши шак-шубҳасиздир. У — Оила йили, шу боисдан шаҳарда амалга оширилган барча ташаббус ва хайрли ишлар ижтимоий таъминот ва оила манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этишга йўналтирилди. Табиий равшанки, бу ишлар ислоҳотларни амалга ошириш маромида олиб борилди. Ҳар доим бўлганидек, пойтахт аҳолиси жонажон шаҳарлари ва республиканинг тараққиётига салмоқли улуш қўшдилар. Ўтган етти ой мобайнида шаҳар иқтисодиётининг барча тармоқларида муайян муваффақиятлар қўлга киритилди. Махсулот ҳажмининг ўсиш суръатлари қиёслама нархларда 100,8 фоизни, капитал маблағларни ўзлаштириш 113,6 фоизни, товар айланмаси ҳажми 134,2 фоизни ташкил этди.

Тошкент республиканинг йирик индустриал марказидир. Унинг ҳудудида машинасозлик, электротехника, радио-электроника саноати, қурилиш материаллари саноати, енгил ва озиқ-овқат тармоқлари таркибига кирувчи 300 дан зиёд йирик саноат корхоналари жойлашган ва фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда шаҳар саноати салоҳияти ҳиссасига республика миллий даромадининг 15 фоиздан зиёди ва республика саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 18,5 фоизи тўғри келмоқда.

- 1 -

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ана шу давр мобайнида шаҳарда янги турар жой даҳалари, болалар боғчалари, мактаблар, гузарлар, гўзал шоҳкўчалар ва фавворалар бунёд этилди. Бу нарса Тошкентнинг шиддат билан юксалаётганига, тошкентликларнинг турмуш тарзи эса сезиларли даражада яхши томонга ўзгараётганига ёрқин мисолдир.

**— Тошкентнинг тарихи икки минг йилдан зиёддир. Лекин шунга қарамай мустақил Ўзбекистон пойтахтининг ўзига хос жиҳатлари мунтазам янгиланиш, таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари билан боғлиқдир. Олий Мажлиснинг, шаҳар ҳокимлигининг, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг янги бинолари, ўнлаб турар жойлар, болалар боғчалари, мактаблар, янги деҳқон бозорлари ва истироҳат боғлари ўтган йилда Тошкентда бунёд этилган иншоотларнинг бир қисмидир холос. Шу ўринда йил мобайнида пойтахтда олиб борилган қурилиш ва ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар ҳақида батафсил-**

- 2 -

**роқ билмоқчи эдик.**

— Сиз тўғри таъкидлаганингиздек, кенг кўламдаги қурилишлар шаҳримизни ўзига хос ажратиб турадиган жиҳатларидир. Буни нафақат қурилиш майдонларининг миқдори, балки рақамлар ҳам исботлаб турибди. Жорий йилнинг етти ойи мобайнида шаҳар иқтисодиёти ва ижтимоий тармоғини ривожлантиришга 40,1 миллиард сўм сарфланди. Шулардан 60 фоизи ёки 24 миллиард сўмини қурилиш-монтаж ишлари ташкил этди.

Барча инвестициялардан давлат бюджети маблағлари ҳисобига 38,2 фоизи, корхоналар маблағлари ҳисобига 28,3 фоизи, хорижий инвестициялар ҳисобига 23 фоизи, заём маблағлари ҳисобига 6,7 фоизи, аҳоли маблағлари ҳисобига 3,8 фоизи ўзлаштирилди.

Ишлаб чиқариш йўналишидаги иншоотлар қурилиши, кенгайтирилиши, таъмирланиши ва техник жиҳатдан қайта жиҳозланиши учун 14,8 миллиард сўм ёки ўзлаштирилган капитал маблағларнинг 45,8 фоизи сарфланди.

Ўтган давр мобайнида йилига 800 минг ўрам гулқоғозлар ишлаб чиқариш қувватига эга «IMPERIALS WALLCOVERINGS» қўшма корхонаси цехи,»Дилек-Интерпрайэс» қўшма корхонасининг йилига икки тонна қувватга эга бўлган нон таъмини яхшилайдиган ва хушбўйлаштирадиган воситаларни ишлаб чиқарадиган линияси ва бир кеча-кундузда 2250 тонна сақич ишлаб чиқарадиган цех фойдаланишга топширилди, Тошкент шаҳар ҳокимлиги моддий-техника таъминоти бошқармасининг 38,7 минг тонна юк айланмаси қувватига эга бўлган базаси кенгайтирилди, «Асака» банкининг биноси таъмирланди, «Камалак-ТВ» офиси бунёд этилди.

**(Давоми 2-бетда).**

- 3 -

*Мустақиллик майдонидаги суҳбат*

## ХАЛҚИМИЗНИНГ ЁРУҒ КУНЛАРИ



***Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони бугун ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Қалбларга фахр ва шукуҳ бағишловчи миллий байрамимиз — Истиқлол айёми боис барчанинг кайфияти бугун ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки. Биз юртдошларимиз ҳамда пойтахт меҳмонлари билан суҳбатлашиб, уларнинг дил сўзларини билмоқ истаймиз.***

**● Дилёра РАЖАБОВА, ўқитувчи:**

— Ҳурриятга эришганимиз барча ватандошларимиз учун катта бахтдир. Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг, тарихимиз, миллий урф-одатларимиз қайта тикланди. Жамиятимиз ҳаётининг ҳеч бир соҳаси бугун йўлбошчимиз эътиборларидан четда қолмаётир. Хусусан, кейинги пайтда таълим тизимини ислоҳ этиш борасида қанчадан-қанча хайрли юмушларга қўл урилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қатор муҳим ҳужжатлар фикримнинг исботи бўла олади.

**● Тапаёши МАЦУИ, Япония Халқаро ёшлар палатасининг Марказий Осиё минтақаси бўйича масъул ходими:**

— Юртингизда сўнгги етти йил ичида бўлаётган оламшумул ўзгаришлар ҳар кимнинг ақлини шоширади. Халқ хўжалиги, иқтисодиёт, банк тизими, маориф, маданият, қўйингки, барча соҳалардаги ижобий юксалишлар бугун яққол кўзга ташланмоқда. Ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги, янгилик сари интилувчанлиги японияликларнинг феъл-атворига жуда ўхшаб кетади. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, юртингиз тез орада жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари сафидан жой олади. Чунки бунинг учун Ўзбекистонда тўлиқ замин яратилгандир.

**● Наргиза ҚОСИМОВА, талаба:**

— Ўзим Фарғонаданман. Бу ерга байрамни кўриш учун оила аъзоларимиз билан бирга келганмиз. Биласизми, мен бу йил бир гуруҳ ўзбекистонлик йигит-қизлар билан Жанубий Кореядаги халқаро анжуманда иштирок этиб қайтдим. Юртимиздан у ерга фақат Президент стипендиатлари борганди. Аён бўлдики, бундай стипендия фақат Ўзбекистонда таъсис этилган экан. Ватанимизда ёшларнинг билим олиб, баркамол етук инсон бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилгани нафақат бизни, балки ота-оналаримизни ҳам жуда қувонтиради.

**● Анвар РАҲМАТУЛЛАЕВ, муҳандис:**

— Республикамизда рўй бераётган буюк ўзгаришлар истиқлол шарофати туфайли бўлаётганини барча бирдек ҳис этмоқда. Яратганга шукрки, ўзбекнинг ҳам ёруғ кунлари бор экан. Мен мустақилликни тилимиз, динимиз, урф-одатлару, бир сўз билан айтганда, ўзлигимизни таниётганимиздан кўраман. Шубҳасиз, бу барча ватандошларимизни қувонтиради.

**● Равшан РЎЗИЕВ, шифокор:**

— Тарихнинг мунаввар кунлари кўп. 1991 йилнинг 1 сентябри юртимиз тарихига янги кун бўлиб кирди. Юрт осмонида мустақиллик қуёши порлади. Бизнинг мана шундай бахтга эришганимизга етти йил тўлмоқда. Юртимизда бир тизимдан тамомила бошқача тизимга ўтилаётган мураккаб шароитда Президентимиз мамлакатни иқтисодий ва сиёсий бўҳронлардан омон сақлай олди, халқ осойишталигини биринчи ўринга қўйди. Бугун эса тинчликнинг нақадар азиз неъмат эканини ҳис этмоқдамиз. Буюк келажакнинг яхши маънодаги ташвиши билан яшаш айни пайтда ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга айланди.

*Гўзал ХОЛИҚОВА ёзиб олди.*

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Акциядорлик жамиятларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «1998 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтди.

● Мамлакатимиз Мустақиллигининг етти йиллигига бағишланган асосий тантаналар одат бўйича пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида бўлиб ўтади. Душанба куни кечқурун бу ерда байрам тантаналарига тайёргарлик доирасида театрлаштирилган дастур кўрилди ва муҳокама қилинди. Унда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Темур Алимов ва Нарзулла Жўраев, Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар қатнашдилар. Улар байрамни ўтказиш юзасидан аниқ тавсияларни билдирдилар.

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов ва мамлакатимизга ишчи ташрифи билан келган Покистон Ислом Республикаси давлат ташқи ишлар вазири М. С. Канжунинг учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик ва Афғонистонда юзага келган вазият билан боғлиқ масалалар бўйича фикр алмашилди. Томонлар мазкур мамлакатда узоқ муддатли тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан манфаатдор эканликларини билдирдилар.

● «Самарқанд — Прага» қўшма корхонасида «Сименс» компаниясига қарашли чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқариш бўйича янги линия фойдаланишга топширилди.

● Хивада 120 ўринли уч юлдузли шинам меҳмонхона қуришга қарор қилинди. Уни Франциянинг машҳур «Буиг» компанияси қуриб беради.

● Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида «Ўзбекистон — Исроил» дўстлик жамиятини тузиш бўйича таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

● Тошкентда ўтказилган семинар қатнашчилари «Маҳалла саломатлиги ходимлари» деган сертификат олдилар. Семинар Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, халқаро меҳр-шафқат корпуси ва ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг тиббий-ижтимоий маркази томонидан уюштирилди.

● Жиззахдаги Юнус Ражабий номли вилоят мусиқали драма театрида мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллигига бағишланган қўшиқ байрами ўтказилди. Унда Тошкентдан келган бир гуруҳ артистлар иштирок этишди.

● Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамда республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳамкорликда эълон қилган «Энг улуғ, энг азиз» танловининг ғолиблари аниқланди. Рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлганлар орасида «Тошкент оқшоми» газетаси маънавият ва қадриятлар бўлимининг мудири Темур Убайдулло ҳам бор.

### ЖАҲОНДА

● АҚШда чиқадиган «Бухоро яҳудийлари олами» халқ газетаси янги ташкил этилган «Шоҳимардон фонди»га дастлабки маблағлар туша бошлагани ва уларнинг миқдори бир неча минг АҚШ долларига етганлигини ўз саҳифасида эълон қилди.

● Кеча Россия Бош вазири вазифасини бажарувчи Виктор Черномирдин янги ҳукуматни тузиш хусусида Давлат думаси билан маслаҳатлар олиб борди. Ҳозирча Виктор Черномирдин аввалги вазирлардан ўз вазифаларини бажариб туришни сўради.

● Кеча Ҳамдўстликнинг Минскдаги қароргоҳида МДҲ фаолиятини такомиллаштириш ва унинг тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича ишчи гуруҳнинг мажлиси ўз ишини давом эттирди.

● МДҲнинг Минскдаги қароргоҳида Черномирдиннинг Россия ҳукуматига қайтиши МДҲни ислоҳ қилиш жараёнлари янада фаоллик билан боришига ишонч билдирилди. Бу ҳақда ижроия котибнинг биринчи ўринбосари Иван Коротченя баёнот берди.

● Исроил аэропортларида экстремистик гуруҳларнинг хавфидан кучайтирилган хавфсизлик чоралари белгиланди.

● Покистон Бош вазири Навоз Шариф бир қанча юксак лавозимдаги амалдорларни «ёлғон ахборот тарқатганлиги учун» ишдан бўшатди.

● Покистон жануби-ғарбидаги Балужистон вилоятида Американинг портламай қолган қанотли ракетаси топилди. Бундан хабар топган Покистон ҳукумати дарҳол ракетани зарарсизлантириш учун у ерга махсус гуруҳ юборди. Топилма «Томагавк» русумли ракета бўлиб, унга «АҚШ маҳсулоти» деб ёзиб қўйилган. Покистон ҳукумати топилган ракета қўшни мамлакат — Афғонистондаги террорчилар базасига яқинда «ёғдирилган» ракеталардан бири эканини расман тасдиқлаганича йўқ.

● Арманистон билан Грузия стратегик шериклика интилаётганликларини изҳор этиб, икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаларининг раҳбарлари буни тегишли баёнот билан имзоладилар.

*Келажакка юз тутган шаҳар*

## САЙИЛГОҲНИНГ БАЙРАМОНА ЖАМОЛИ









Сайилгоҳ кўчасининг таъмирланиши ҳақида гап борганда, ҳеч ким унинг бу қадар ўзгариб кетишини тасаввур этмаган бўлса керак. Энди бу ерга келган киши нафақат Темурийлар тарихи давлат музейи ва буюк соҳибқирон Амир Темур ҳайкалини томоша қилиб қолмай, балки музейнинг ўнг томонидан жой олаётган чиройли саҳна кўриниши ҳамда осмонга шаффоф сув отиб турган фавворaларга ва улар яқинида шарқона безак берилган муҳташам чойхоналарга беихтиёр термулиб, инсон қўли билан яратилган бу гўзаллик оламидан бир олам завқ олади.

Биз бу қурилишда жавлон уриб меҳнат қилаётган фидойи қурувчилар билан суҳбатлашдик. Йўлкалар учун махсус қолипли ғиштлар ётқизилган йўлни «Тошмахсусқурилиш» трестига қарашли 2-қурилиш бошқармаси қурувчилари бунёд этишмоқда.

— Биз белгиланган режадаги ишларимизни бажариб бўлдик, — дейди бошқарма бошлиғи Абдували Ҳайдаров. — Умумий ҳисобда 5900 квадрат метрни ана шу махсус қолипли ғиштлар билан тўлдириб чиқдик. Муддатимиз икки ой эди, 35 иш кунида тугатдик. 23 нафар қурувчимиз икки сменада ишлашди. Энди байрамни ёруғ юз билан кутиб оламиз.

Йўлкадан юриб боряпмизу, ўзимча асфальтдан бу махсус ғиштларнинг фарқи нимада экан деб ўйлайман. Қарангки, анча фарқи бор экан. Бу энг аввало инсон саломатлиги учун экологик жиҳатдан фойдали экан. Яъни иссиқда ва сув сепилганда асфальтдан нохуш ҳид чиқади. Бу махсус ғиштлар эса сувни ҳам, ҳидни ҳам ўз танасига шимиб юбораркан. Қандай ажойиб-а...

Яқиндагина эски бинолар бузилиб чанг босиб ётган майдон ўрнида савдо расталари пайдо бўлмоқда. Уларни «Актанкомпания» Ўзбекистон — Татаристон қўшма корхонаси бунёд этаётир.

— Компаниямиз ўз фаолиятини бошлаганига эндигина беш ой бўлди, — дейди бош директор Собитхон Собиров. — Шундай бўлишига қарамай Мустақиллигимизнинг етти йиллиги шарафига бош майдондаги ва Сайилгоҳдаги биз учун ажратилган режани уддалаб бўлдик.

Савдо растасига қарама-қарши томонда 280 ўринга мўлжалланган ўриндиқлар, ўртада очиқ саҳна, 1 та катта ва 2 та кичик фавворалар қурилишини «Тошсаноатқурилиш» трестига қарашли 63-қурилиш-тиклаш бошқармаси бажарди.

— 600 квадрат метрни ташкил этадиган йўлкаларни «Тайсот» акционерлик жамияти қурувчилари, қолган ишларни бизнинг бошқарма ҳамда «Агроқурилиш» тресги бажармоқда, — дейди участка бошлиғи Алишер Абдукаримов. — Ишлашимиз учун ҳамма нарса муҳайё. Шунинг учун биз улуғ байрамни мана шу ёзги саҳнамизда нишонлаймиз, деб ният қилганмиз. Албатта шундай бўлади.

Сайилгоҳ кўчасининг қоқ ўртасида, музейга қарама-қарши қад ростлаётган 2 та чойхонани ҳар қанча таърифласак шунча оз. Бу чойхона шарқона услуб берилган пешайвон шаклида қурилган. Хўрандалар учун таомлар, қандолат маҳсулотлари ертўладан жой олган. Чойхоналарнинг ҳар бири 50 ўринли. Бу ердаги ишларни Тошкент вилояти қурилиш бошқармасига қарашли 467-механизациялашган кўчма қурилиш корхонаси бажарди.

Хуллас, Сайилгоҳнинг бугунги кўриниши ўзгача. У чиндан ҳам байрамона қиёфа кашф этмоқда.

*Гулзода МАМБЕТОВА.*

*СУРАТЛАРДА: Сайилгоҳ кўчасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларидан лавҳалар.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

*Кўргазмалар*

## ТАДБИРКОРЛАР УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан республика савдо кўргазмалар марказида «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича ихчам ускуна ва минитехнологиялар» халқаро кўргазмаси очилди.

Мазкур кўргазма мамлакатимиз бўйлаб намойиш этиладиган биринчи кўчма кўргазма бўлиб, у 1999 йилнинг февраль ойигача мамлакатимизнинг турли минтақаларида ўтказилади. Тадбирнинг асосий мақсади ҳам давлат кредитлари ва халқаро ташкилотларнинг кредит йўналишларидан тўла ва оқилона фойдаланиш ҳисобига республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ёрдам беришдир.

Ушбу кўргазмада Болгария, Туркия, Италия, Германия, Франция, Чехия, Бельгия ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг етакчи фирма ва компаниялари ускуна ва технологияларини намойиш этмоқдалар. Бу тадбирда кичик ва ўрта бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари вакилларига минизаводлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчи автомат линиялар, кичик новвойхоналар, қандолатчилик цехлари, озиқ-овқат саноати учун жиҳозлар, уй-рўзғор буюмлари, паррандаларни озиқлантирувчи ускуналар билан танишиш имкониятини беради.

*Одил ҲАСАНОВ.*

ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР

Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан

# Гўзалликда тенгсиз, кўркамсан, Ҳур диёрим, она ўлкамсан

## ИСТИҚЛОЛ КОШОНАЛАРИ

***Дилни дилга боғловчи йўллар кўприклар орқали бир-бири билан туташади. Бугун нафақат кенг ва равон йўллар, ҳатто шаҳарларни бир-бири билан боғловчи кўприклар ҳақида ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бундай улкан йўл ва кўприклар биргина Тошкентимизнинг ўзида қанчадан-қанча. Мустақиллик йилларимизда яна улардан қанчаси барпо этилди. Ҳатто уларни санай туриб ҳисобидан адашасан киши. Узоқ манзилларимизни яқин қилган Буюк Ипак йўли, Фарғона йўли, Амир Темур кўчалари устида қурилган маҳобатли кўприкларнинг ҳар бири тилимизда достон бўлгулик. Бугун биз улардан баъзилари ҳақида ҳикоя қиламиз.***



## ФИДОЙИЛИК, ЯХШИЛИК УНУТИЛМАЙДИ



Мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги тантаналарига қизғин тайёргарлик бораётган ўша дамларда пойтахт аҳли бунёдкорлардан муносиб туҳфа қабул қилиб олди. «Бўржар» канали устига қурилган икки томонлама кўприк ишга туширилди. Ушбу ноёб иншоотни бунёд этишда «Ўзбектранспорт» уюшмасига қарашли 13-кўприк қурилиш отряди, 85-қурилиш бошқармаси бригадалари ва бошқа бунёдкорлар муносиб ҳисса қўшишди. Уларнинг ҳалол меҳнати билан узунлиги 90 метр, кенглиги 30 метр, пиёдалар йўли билан қўшиб ҳисоблаганда эса 40 метр келадиган иншоот ҳамшаҳарларимиз хизматига топширилди.

Ўзбекистон Мустақиллигининг беш йиллик байрами арафасида ҳам «Шижоатингизга балли, йўлсозлар!» дея пешвоз чиқишимизга тўғри келди. Бу сафар «Олой» бозори яқинидаги Абдулла Қодирий кўчаси бўйлаб ўтган ерости йўли қурувчиларини янги меҳнат ғалабаси билан кутладик. Айниқса, улкан иншоотга бош пудратчилик қилган 7-кўприк қурилишининг 13-қурилиш отряди бунёдкорлари дилимиз тўридан ўрин олди.

Бу қурилишнинг шаҳримиздаги бошқа йўлости қурилишларидан мураккаблиги шундаки, унда йўловчилар қатнови учун ҳам икки томонлама ерости йўлкалари бунёд этилган бўлиб, уларнинг ҳар бири уч йўналишни ўзида мужассамлантирганди. Масалан, бири пиёдалар қатновчи йўл, иккинчиси метро бекатига олиб борадиган йўлкача, учинчиси эса ер устки транспортлари бекатига олиб чиқадиган йўллардан иборат. Бунинг устига кўприкнинг устки қисмидан икки томонлама транспортлар қатнови учун йўл қурилиши режалаштирилганди. Жанубий ва Шимолий йўналишлар деб аталувчи бу йўлларнинг бири Амир Темур кўчасидан Ҳамид Олимжон майдони томон йўналса, иккинчиси эса Ҳамид Олимжон майдонидан келадиган транспортларни Амир Темур кўчасига олиб чиқар эди. Ерости йўлининг узунлиги 810 метр масофани ташкил этадиган бу йўл чиндан ҳам шаҳримиздаги ерости масофаси жиҳатидан энг узун иншоотлардан бири саналади. Шундай улкан қурилишнинг қисқа муддатларда тугалланиши ҳамшаҳарларимизни хушнуд этиши бежиз эмас албатта.

Бугун ушбу ердан ўтиб бораётган ҳар бир киши нафақат тошкентлик бунёдкорлар, балки қурилишда бажонидил иштирок этган Андижон, Сурхондарё, Бекободдан келиб ишлаган кўнгилли кўприксозлар хизматига ҳам тасаннолар айтади.

Мовароуннаҳр кўчасида «Салор» каналининг икки қирғоғини бирлаштириб транспорт ва йўловчилар қатнови учун қулайлик яратган «Салор» кўприги очилишига бағишланган тантаналар ҳамшаҳарларимиз ёдида узоқ сақланиб қолади. Мустақиллигимизнинг олти йиллиги байрами арафасида ишга туширилган бу кўприк биргина тошкентликларни эмас, балки Фарғона йўли бўйлаб қатновчи турли вилоятлардан тўхтовсиз келиб-кетиб турадиган меҳмонлар ва автоуловларнинг ҳам узоғини яқин қилди.

«Тошгипротранс» лойиҳаси бўйича қурилган бу кўприк ўта замонавийлиги ва чиройли кўриниши билан йўловчилар диққатини ўзига тортади. Қурилиш ишларини 7-кўприк қурилиши трести бунёдкорлари амалга оширишди. Бугун биз ушбу ноёб иншоот қурилишига ўз ҳиссасини қўшган 7- ва 13-кўприк қурилиши отрядлари, «Тошмахсустранспортқурилиши», «Тошмахсусйўлқурилиши» ва бошқа ташкилотларга яна бир бор «Қўлингиз дард кўрмасин, бунёдкорлар!» деган қутлуғ сўзларни айтгингиз келади.

Қуёшли диёримизнинг шундай саҳий қалб, меҳри дарё жонкуярлари бор экан, юртимиз йилдан-йилга чирой очиб бораверади. Ўзбекистонимизнинг келажаги буюклиги ҳам ҳар биримизнинг уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан қилган меҳнатимиз самарасида кўринади.

Орадан йиллар ўтади. Лекин она юрт равнақи йўлида қилинган фидойилик, яхшилик, тўкилган пешона тер ҳеч қачон унутилмайди. У даврлар оша авлодлар тилидан тилига кўчиб юраверади.

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*
*Рустам Шарипов олган суратлар.*



• «Миробод» деҳқон бозори.



• «Юнусобод» теннис корти.

***Биз Мустақиллигимизнинг етти йиллиги шодиёналарига яқинлашмоқдамиз. Жонажон республикамизда бунёдкорлик ишлари кўлами кун сайин ортиб бораяпти. Тинчлик, осойишталик ва барқарорлик ҳукм сураётган юртимиз хорижлик ишбилармонларни ҳам ўзига чорлаётир. Натижада хорижликлар билан кўплаб қўшма корхоналар тузилиб, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Жамоатчи мухбиримиз Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси иқтисодиёт бўлими раҳбари Аннет Гюнтер хоним билан учрашиб, унга шу мавзуда бир неча саволлар билан мурожаат қилди.***

*Мустақиллик мевалари*

## ЎЗАРО МАНФААТДОРЛИК АСОСИДА

**— Гюнтер хоним, бугунги кундаги ўзбек-немис иқтисодий ҳамкорлиги ҳақида нималар дея оласиз?**

— Бугунги кунда ўзбек-немис алоқалари барча соҳаларда интенсив равишда тобора ривожланиб бораётганлигидан бениҳоя хурсандмиз. Иқтисодиёт соҳасида гапирадиган бўлсак, Германия билан Ўзбекистон ўртасида, немис ва ўзбек фирмалари ўртасида ҳамкорликнинг серқирра шакллари мавжуд. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён 80 дан зиёд немис фирма ва компаниялари бу ерда ўз ваколатхоналарини очдилар, ҳамкорлари билан қўшма корхоналар туздилар.

Ўтган даврда Германия билан Ўзбекистон ўртасида савдо алоқалари ҳажми 991,75 млн. немис маркасини ташкил этди. Бошқача қилиб айтганда, Германия Ўзбекистоннинг муҳим ва ишончли савдо-сотиқ шеригига айланди. Германиялик юқори мартабали кишилар ва делегацияларнинг Ўзбекистонга қилган ташрифлари ҳам бу борадаги муносабатларнинг янада яхшиланишига ҳисса бўлиб қўшилди. Немис фирма ва компаниялари Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган барча ярмарка ҳамда кўргазмаларда мунтазам ва фаол қатнашиб келмоқдалар.

1993 йилдан Германия Ўзбекистон учун молиявий ҳамкорлик доирасида 186,5 миллион немис маркаси миқдорида кредитлар ажратди. Техникавий ҳамкорлик борасида 1992 йилдан 1997 йилгача 44,9 млн. немис маркаси сарфланди. Бу борада Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш федерал вазирлиги ва Техникавий ҳамкорлик жамияти фаоллик кўрсатмоқдалар. Иқтисодий қонунчилик, хусусийлаштириш ва меҳнат бозори сиёсати, солиқ, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш соҳаларида ҳам муайян лойиҳа ва дастурлар муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Кўриб турибсизки, иқтисодий ҳамкорлигимиз ҳар тарафлама ва жадал суръатларда ривожланиб бораяпти.

**— Юқорида айтиб ўтганингиздек, Ўзбекистонда 80 дан ортиқ немис фирмалари фаолият кўрсатмоқда. Сиз уларнинг фаолиятини қандай баҳолайсиз?**

— Немис фирма ва компанияларининг Ўзбекистонда олиб бораётган фаолиятларини ижобий баҳолайман. Улар билан бир қаторда Ўзбекистонда учта немис банки ўз ваколатхоналарини очди, бу йил тўртинчи банк ҳам кириб келади. Бу банклар мавжуд фирма ва компанияларнинг ўз дастур ва лойиҳаларини амалга оширишларида яқиндан кўмакдош бўладилар.

**— Шу ўринда аниқ мисоллар ҳам келтириб ўтсангиз.**

— Немис-ўзбек иқтисодий ҳамкорлигининг муваффақиятли равишда ривожланиб бораётганлигини қуйидаги мисоллардан ҳам билиб олса бўлади. Пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Узсаламан» қўшма корхонаси, самолётсозлик соҳасидаги «Хобас Тапо», Фарғонада қурилиши бошлаб юборилган «Унионматекс» немис фирмаси билан ҳамкорликда пахта линтидан целлюлоза ишлаб чиқаришга мўлжалланадиган қўшма корхоналарни айтиб ўтишни истардим. Бу борада яна жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

**— Гюнтер хоним, Ўзбекистон Мустақиллигининг 7 йиллиги, Германия бирлашган куннинг 8 йиллиги байрамларини ўзбек-немис иқтисодий ҳамкорлиги борасида қандай ютуқлар билан кутиб олинади?**

— Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 7 йиллиги ва Германия бирлашган куннинг 8 йиллиги байрамлари немис-ўзбек иқтисодий ҳамкорлиги борасида ҳам муносиб ютуқлар билан кутиб олиниши турган гап. Буни бугунги кунимизнинг самарали натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Ишонаманки, мамлакатингизда рўй бераётган иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар, янгиланишлар Германия ва Ўзбекистон ҳамкорлиги учун янгидан-янги имкониятлар яратади, келгусида ҳам кўплаб немис фирмалари сармояларининг Ўзбекистонга кириб келишига йўл очиб беради.

*Суҳбатдош Мирзаали АКБАРОВ.*

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзолари ҳам Мустақиллигимизнинг етти йиллигини ижодда муносиб ютуқлар билан кутиб олмоқда.***

*Санъат*

## ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Маълумки, уюшманинг асосий вазифа ва мақсади миллий тасвирий санъатимизнинг ўзига хос анъаналарини, қадимий қадриятларимизни тиклаш, халқимиз турмуш тарзига хос ва мос асарларга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек юқори профессионал, ижодий кўргазма фаолиятини ривожлантиришдан иборатдир. Уюшма ўз олдига қўйган ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда бири-биридан ранг-баранг тадбирларни ўтказиб келмоқда. Бу тадбирлар тасвирий санъат шинавандаларида катта таассурот қолдирмоқда.

Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Неъмат Қўзибоевнинг Мисрга ижодий сафар таассуротларига бағишланган Ўзбекистон Қуролли кучлари музейида аскарлар билан бўлиб ўтган учрашуви жангчиларда катта таассурот қолдирди. Уюшма аъзоси Зуҳритдин Исломшиковнинг иқтисодиёт ва дипломатия университетидаги кўргазмаси талабаларда катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон Қуролли кучлари музейида ўтказилган «Мен хизмат қилаётган ўлка» мавзуидаги рангтасвир кўргазмаси тасвирий санъат ишқибозларида унутилмас таассурот қолдирди. Худди шунга ўхшаш кўргазмалар Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасининг Маданий марказида ҳам уюштирилди. Санъатшунослик институтида намойиш этилган Б. Обидов, У. Усмонов ва Б. Муҳамедовларнинг шахсий кўргазмалари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Мустақиллик шарофати билан ўзбекистонлик мусаввирларнинг кўргазмаларини хорижий элларда ташкил этиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу ўринда Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбековнинг Америка Қўшма Штатларида уюштирган кўргазмасини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Шунингдек, рассомлардан А. Насритдинов Бельгияда, Н. Ковальчук АҚШда, Б. Жалолов Буюк Британияда, Ш. Муҳаммаджонов Эронда, В. Бурмакин Германияда ва Л. Ким Кореяда ўз асарлари кўргазмасини муваффақият билан намойиш этдилар.

Маълумки, бу йил буюк алломаларимиз бўлмиш Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги кенг нишонланади. Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзолари шу юбилейлар муносабати билан ўтказилган юбилей рамзлари танловида ҳам фаол қатнашдилар. Бундан ташқари ижодкорлар уюшмасининг аъзолари республикамизнинг турли вилоятларида учрашувлар, суҳбатлар уюштирдилар.

Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзолари Мустақиллигимизнинг етти йиллик тўйи арафасида республика бадиий кўргазмасида «Энг улуғ, энг азиз» шиори остидаги кўргазмада ҳам қатнашишга пухта тараддуд кўрмоқдалар. Бир сўз билан айтганда улар юртимизнинг улуғ байрамини ижодда ва изланишда ёруғ юз билан кутиб олмоқдалар.

*Шуҳрат РАШИДОВ,*
*Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмасининг масъул котиби.*

*Истиқлолнома*

### ҚУЁШ УФҚЛАРДАН ТУШИБ КЕЛАДИ

*Қуёш уфқлардан тушиб келади,*
*Йиққан нурларини*
*Тўкиб ўртага,*
*Юртим ёшлик каби*
*Жўшиб кулади,*
*Истиқлол бағридан боқиб Ўрдага,*
*Қувончга айланиб*
*Феруза осмон,*
*Қувончга айланиб*
*Замину олам,*
*Боғларда олмалар қизариб ҳайрон,*
*Юртим ёшлик каби*
*Кулади бардам.*
*Анҳор сувларида ранглар жим-жима...*
*Ҳайқириқ, сурларни оқизиб мозий*
*Тўлқинлар қўйнида қалқир жимгина,*
*Юртим ёшлик каби,*
*Кулади тоза.*
*Қуёш уфқлардан тушиб юрт ошар,*
*Истиқлол шарафин*
*Олқишлаб саҳар.*

### ОНА ТУРКИСТОН

*Тарихлардан биламиз, маълум,*
*Улуғ бўлган бу юртда муаллим.*
*Яхшиликдан янграган таълим,*
*Бутун бўлиб яна Туркистон,*
*Она бўлди, она Туркистон.*
*Дарёларим қуримас энди,*
*Дунёларим аримас энди,*
*Хаёлларим қаримас энди,*
*Бутун бўлиб яна Туркистон,*
*Она бўлди, она Туркистон.*

*Усмонларим порлаб осмонда,*
*Чўлпонларим чорлаб осмонда,*
*Қодирийлар ё, раб, осмонда...*
*Бутун бўлиб яна Туркистон,*
*Она бўлди, она Туркистон.*

*Бармоқларим қирқиб қўйдилар,*
*Муштларимни сиқиб қўйдилар,*
*Қуфлаб, суфлаб ўқиб қўйдилар...*
*Бутун бўлиб яна Туркистон,*
*Она бўлди, она Туркистон.*

*Бўлинганни бўри талади,*
*Бўриларнинг зўри талади,*
*Қаҳри, заҳри — қўри талади,*
*Бутун бўлиб яна Туркистон,*
*Она бўлди, она Туркистон.*

*Оҳ, дилимнинг ўт-оҳи куйсин,*
*Тақдиримнинг гуноҳи ўлсин,*
*Темурларнинг арвоҳи кулсин,*
*Бутун бўлиб яна Туркистон,*
*Она бўлди, она Туркистон.*

*Кўнгилларим соғ бўлиб, кулди,*
*Тупроқларим боғ бўлиб кулди,*
*Кўксим баланд тоғ бўлиб кулди,*
*Бутун бўлиб яна Туркистон,*
*Она бўлди, она Туркистон.*

Абдулҳай НОСИР.

### ЎЗИМДАН ҲАМ ҚИММАТИМ

*Ватан — фидойи жон масканим,*
*Она дея этганман эъзоз,*
*Олмос, гавҳарим атаганим,*
*Сенла кўнглим доим баҳор, ёз.*

*Сен мени юлдузли осмоним,*
*Ерим, муборак киндик қоним.*
*Улуғ қадди тетик арслоним*
*Дунёларга кўз-кўз маконим.*

*Қучоғимга сиғмаган олам,*
*Кўз очганда кўрган дафъатан.*
*Унут бўлмас юмилганда ҳам,*
*Ўзимдан ҳам қимматим — Ватан!*

Санобар ҚОДИРОВА.

Мозий

# ШАЙХ ЗАЙНИДДИН БОБО ТОШКАНДИЙНИНГ ШАЖАРАСИ

***Президентимиз Ислом Каримов ўзбек халқи тарихини чуқур, кенг ва ҳаққоний равишда ўрганиш зарурлигини қайта-қайта таъкидламоқда. Тўғри, тарихсиз келажак бўлмайди. Тарих деганда, аввало, давлат тарихи, жамият тарихи, фан-техника тарихи, маданият тарихи, этник-миллат тарихи кўз олдимизга келади. Шу билан бирга, яна бир қанча соҳалар тарихлари ҳам бор. Жумладан, шаҳарлар тарихи.***

Халқимиз орасида шундай гап бор: ҳар бир одам камида етти ота-бобосини билиши керак. Бу гап қадимдан. Лекин, шўро даврида аждодларимизнинг ким эканлигини атайлабдан айтишмас эди, ҳақиқий тарихимизни билиш таъқиқланган эди. Қисқа қилиб айтсак, Амир Темур, ал-Бухорий, ат-Термизий, Яссавий, Нақшбанд, Кубро, Сухравардийлар бизларнинг бобокалонларимиз десак, балога қолар эдик. Аксинча ўша шўро даврида «Мен камбағал оиладанман, ота-боболарим ижтимоий ишларга, маънавият соҳаларига аралашишмаган» дейилсагина маъқул бўлар эди. Бўлмаса муҳим мансабларга қўйилмас эди. Ҳатто, баъзи шоирларимиз ундан ҳам ўтказишиб юборишди: «Биз ким эдик, қашшоқ, саводсиз халқ эдик», деб. Ваҳоланки, халқимизнинг ота-боболари аввало, меҳнаткаш, ҳунарманд, бободеҳқон, маърифатпарвар, бинобарин, ўзини ўзи боққан, бировга қарам бўлмаган, саводхонлик авлоддан авлодга ўтиб турган. Хулоса шуки, аждодларимиз маънавий бой бўлган.

Истиқлолимиз халқимизнинг минг йиллаб даврли ҳаққоний тарихини ўрганишга имконият туғдирмоқда. Тарих фанимиз вазифалари давлат даражаси мақомига кўтарилмоқда.

Шажара, гўё, аждод-авлодлардан ташкил топган бир «дарахт», унинг илдизи бор, ҳар хил ёшдаги шохлари бор. Ўзбек халқининг бизга маълум бўлиб қолган шажараси ўша ал-Хоразмийлар, ал-Фарғонийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Яссавийу Нақшбандлар, Амир Темиру Бобурлар, Улуғбеку Навоийлар, Қодирийу Чўлпонлар ва кўп-кўп улуғ ўғлонлардан ташкил топган. Биз бундай асосий ва нуфузли шажарамиз билан фахрланамиз.

Аслида, ҳар бир одам ўз шажарасига эга. Ахир, отасининг отаси, унинг отаси ва ҳоказо одаму момогача борадида.

Биз бу ерда изоҳлаётган шажаранинг асосий қиймати шундаки, аждодларимиз шажара тузишни вазифа деб тушунишган, уни ўз замонларида расмий идоралардан тасдиқлатиб олишган, сўнг авлоддан авлодга узатишган ва ниҳоят, у бизгача етиб келди.

Менда ҳозир Шайх Зайниддин Кўҳи Орифоннинг бешта шажараси бор. Биринчисида расмий ҳуқуқ идораларининг 13 та муҳри босилган: 1) Қози Мулло Бой Мирзо бин Мирзо Оғалик; 2) Қози Муҳаммад Шариф Хўжа судур бин Подшоҳхўжа Умарий, Хувал Қодир Шайх Ҳованд Таҳурий; 3) Домло Абдурасул аълам бин Домло Мир Ашур; 4) Муҳрни ўқиб бўлмади; 5) Қози Эшон Азизлархўжа бин Эшон хўжам Шайхулислом марҳуми; 6) Мулло Муҳаммад Зоҳир Аълам бин Домло Отажон марҳуми; 7) «Лутф этиб чун бил ани хатосига қалам, ўзи олий харжина бўлди Ҳакимхон Аълам»; 8) Қози Муҳаммад Турди бин Раҳимжон; 9) Қози Исохўжа бин Қози Азизлархўжа; 10) Мулло Орифхўжа Аълам бин Қози Муҳаммад Шарифхўжа судур шин; 11) Аҳмад хўжа муфти бин Қози Маҳмудхўжа; 12) муҳрни ўқиб бўлмади; 13) муҳрни ўқиб бўлмади.

Иккинчи ҳужжатда олтита муҳр бор: 1) Мулло Мир Холиқ ибн Мулло Раимхон Хўқандий; 2) Қози Муҳаммад Азим бин Муҳаммад Ражаб; 3) Қози Муҳаммад Муҳиддинхўжа бин Қози Муҳаммад Аъзамхўжа марҳуми; 4) Ал-Аълам ул хайл Муҳаммад Содиқ; 5) Қози Шоҳ Жунайд Маҳдум бин Домлажон марҳуми; 6) Қози Абдурасулхўжа бин Яъқубхўжа марҳуми;

Учинчи ҳужжатда (Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги шарқшунослик институти Документлар бўлими, папка № 80, документ № 664 а) 38 та муҳр бор: 1) Абдулазизхон ибн Абдуллохон; 2) Мулло Холиқ қули Қози ибн Юнусбой; 3) Муҳаммад Алихон ибн Умархон; 4) Мулло Ҳокимжон Қози ибн Каримберди бой; 5) Ойхўжа Қози ибн Офоқхўжа Алавий; 6) Муҳаммадхон ибн Алихон Ҳожи; 7) Саид Яъқубхўжа Қози ибн Қорихўжа эшон; 8) Мулла Муҳаммад Азим Қози ибн Мулла Кенжабой марҳуми; 9) Қози Муҳаммад Розиқ ибн Хўжа Беҳбуд; 10) Мир Абдул Фаёз Муфти ибн Қози Мир; 11) Мир Раҳим қози; 12) Охунхўжа ибн Мир Жамолиддин хўжа; 13) Тўрахўжа Қози калон ибн Хонхўжа Қози Умарий; 14) Шодихўжа Аълам ибн Муҳаммадхўжа Ҳасаний; қолган 25 та муҳрни ўқиб бўлмади.

Шундай қилиб, Шайх Зайниддин Бобо шажараларининг учта ҳар хил нусхасида ҳаммаси бўлиб, 57 та қозикалонларнинг муҳри, яъни ўз вақтларидаги юридик ташкилотлар бошлиқларининг расмий тамғалари босилиб тасдиқланган.

Бу юридик ҳужжатлар ниҳоятда тўғри ва нуқсонсиз бўлишликлари ҳақида шу ҳужжатларда ёзилиб қолинган қозикалонларнинг таъкидлашларидан мисоллар келтирамиз: «Мазкур Норхўжа азизлар (76-авлод) узоқ муддатлар давомида... нойиблик мартабасида қиём кўргазганлиги ўз даврининг султонлари ва умаролари томонидан берилган ҳужжатларда ўз аксини топган, умаро ва ҳоқонларнинг берган ёрлиқлари шундан далолат беради», «Мазкур ҳужжат султонлар муҳри билан тасдиқланган», «марҳаматли хоннинг олий иноятнома ҳужжатида шунга ишора қилинган», «мазкур ҳукм шаръан тўғри ва бажарилиши вожиб бўлиб, ишончли кишилар ҳузурида қабул қилинди ва мазкурни ўзгартириш мумкин эмас», «ҳужжатнинг асл нусхасидан кўчириб ёзилди», «мазкур ҳар қандай шак-шубҳалардан халос қилгай», «мазкур ҳужжатни ўзгартириш асло мумкин эмас», «Мазкур ҳужжатнинг асл нусҳаси шаръан тўғри ва машҳур амиралмуслимни Умархон жаннатмаконнинг ҳамда амир алмуслимин шаҳид Муҳаммад Алихоннинг табаррук муҳрлари билан безалганки, уларнинг ҳар бирлари Ислом подшоҳлари бўлиб, Фарғона ва Шош шаҳарлари ҳамда Дашти Қипчоқ ва унинг атрофларининг ҳукмронлари эдилар». Шунингдек, «Қўқон Дорулсалтанатининг қози калони Домла Мир Абдураҳимнинг ҳамда Шош шаҳрининг қози калони Домло Муҳаммад Раззоқнинг ва бошқа муҳтарам уламою фузалоларким замона пешвоси ва асрнинг ягонаси эдилар, муборак муҳрлари билан тасдиқлаганлар» каби расмий жумлалар ёзилган. Бу қозилар ва уларнинг муҳрларини ўрганиш ҳуқуқ тарихини ёритишда жуда қизиқарли илмий манбаа бўлиб хизмат қилса, ажабмас.

Муҳрлар босилган даврлар саналарига келсак, ҳозир думалоқ муҳр (печать)да йил-ой-кун бўлмаганидек, у вақтларда ҳам бу нарсалар йўқ экан. Шунинг билан бирга, баъзан муҳр ёнида қуйидаги саналар қўйилган: «1215 (1804 йил)», «1236 йил раббиал аввал (1820 йил декабр)», «1281 йил (1864 йил)», «1293 (1876)», «1301 йил 17 жумадул аввал (1884 йил 16 март) саналари қўйилган.

Демак, ўтмишда қозикалонлар муҳрлари билан тасдиқланган мазкур ҳужжатлар ўз навбатида янада қадимийроқ ҳужжатлар замирида тузилгандир. Чунончи, ҳужжатларда 60- ва 61-аждодларимиз Саййид Тоҳирхон Шайх ва Саййид Олимхон Шайхларнинг шажара тузишдаги хизматлари таъкид этилади. Ва, «Авлодларимиздан умид ва илтимос — шу зотларга бизларнинг қардош ва қариндошларимиз ким бўлса, ота-боболарин топиб, ушбу шажарага шуъбаларин келтириб, қўшсалар керак», деб умид қилганлар.

Ушбу шажара ҳужжатлари форс-араб тилларида тузилган, уларни бизнинг илтимосимиз билан шу соҳанинг моҳир мутахассислари Турғун Файзиев ва Ашурбек Мўминовлар ўзбекчалаштирди. Шуни ҳам айтиш кераккки, Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган шажара матнининг бир қисми ўзбек тилидадир. Шарқшунослардан Қувомиддин Муниров, Шамсиддинхон Бобохонов ва Ашраф Аҳмедовлар ҳам бизга кўмаклашди. Шу билан уларнинг ҳаммаси халқимизнинг ўттиз асрлик аждодлари бир қисмининг руҳини шод этдилар деб тушунамиз. Бу иш, албатта, давом этажак.

Шажара ҳужжатларида «Маърифатли хон ва ҳоқон Муҳаммад Баҳодирхон жаннатмаконнинг даврида», «Абул Музаффар вал Мансур олишон Скандар Муҳаммад Султоннинг даврида», «Жаннатмакон Таваккал Муҳаммад Баҳодирхоннинг замонида», «Улуғ мартабали, тинчлик ва омонликнинг сабабчиси, зулм ва адоват уруғини йўқотувчи, ҳоқон ибн ҳоқон ҳазрат амир алмуслимин Саййид Муҳаммад Умар Олий ҳазратнинг кундан-кун равнақ топаётган ҳукумат ва давлатлари соясида» тузилган бу ҳужжатлар Ватанимиз тарихининг ўрганилмаган саҳифаларини ёритиш учун ҳам хизмат қилса керак.

Шайх Зайниддин Бобонинг ўзлари ким, нечук у зот шундай улуғ ҳурматга сазовор, у инсоннинг ижтимоий, тарихий хизматлари ва жамиятдаги ўрни қандай бўлган? Бу саволга жавобан ушбу ҳужжатларда берилган баҳоларни санаб ўтиш билан кифояланa қолайлик: «У — саййидларнинг улуғи ва шариф кишиларнинг кароматлиси ва буюгидир», «Орифларнинг кутби ва ишончли раҳнамоси жаноб Шайх Зайниддин Кўҳи Орифхон», «Шайх Зайниддин — увайсий инсон бўлиб, чексиз кароматлари бор эди».

Шайх Зайниддиннинг оталари — Шайх Шаҳобиддин Абу Хафс Умар Сухравардийдир. У киши атоқли олим ва жамоат арбоби бўлиб, «сухравардиййа» тасаввуф тариқатини яратганлар. «Аворуф ул-маориф» номли машҳур китобнинг муаллифи. Бу китоб араб, форс, инглиз, немис ва бошқа тилларда кўп марталаб нашр этилган. Сухравардий китобининг ҳатто бундан йигирма йил илгари Берлинда нашр этилиши бежиз эмас: бу китобда илм-фанга қандай муносабатда бўлиш керак, одамнинг хулқ-атвори, одоб-ахлоқи, жамиятда ўзини қандай тутиши кераклиги, покланиш усуллари, комил инсон бўлиш учун маорифу маърифат, маънавият-маданият имкониятларидан фойдаланиш лозимлиги тушунтириб берилади. Шу билан бирга, у киши ижтимоий-давлат арбоби ҳам эди. XIII аср бошларида Хоразм, Салжуқия, Ироқ ва Эрон ўртасидаги давлатлараро жанжалларни диний арбоб ва элчи сифатида босдирган шахс ҳам мана шу Шайх Шаҳобиддин Абу Хафс Умар Сухравардий бўлган.

Мана шундай давлат ва дин арбоби, буюк мутасаввиф олим Сухравардийнинг ўғли Тошкентда кўп савобли ишлар қилган жамият арбоби Шайх Зайниддин Бобо кўҳи Орифон мақбараси юз йиллар ўтибдики, атоқли алломаи-фузалолар учун ҳам, арбобу фуқаролар учун ҳам азиз зиёратгоҳга айланган. Чунончи, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз XIV аср охири ва XV асрнинг бошларида Шайх Зайниддин Бобо кўҳи Орифон Тошкандий мақбарасини уч марта зиёрат қилдилар ва мақбарани қайтадан таъмир эттирдилар. Машҳур давлат ва дин арбоби Хўжа Аҳрор Валий ҳам Самарқанддан келиб, ушбу мақбарани бир неча марта зиёрат қилганлар. Навоий бобомиз ҳам ўз китобларида Сухравардийлар сулоласини ҳурмат билан тилга олганлар. Шуни ҳам айтиш жоизки, машҳур мутафаккир ва шоир Шайх Саъдий «Бўстон» китобида Сухравардийни ўз устозим, деб эътироф этган.

Ушбу мақола хусусида «Оқшом» муштарийлари ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деган умид билан улар диққатига бугун ҳавола этилаётган уч минг йиллик ва саксондан ортиқ аждод-авлодли Шайх Зайниддин Бобо Кўҳи Орифон Тошкандийнинг Тошкент шаҳри Кўкча даҳасидаги мақбараси ҳудудидаги жомеъ масжиди ҳозирги кунда замонавий кўринишда қайта таъмирланаётганлигини таъкидламоқчимиз. Бундай савобли ишга қўл ураётган ватандошларимизга ота-боболаримизнинг руҳлари ёр бўлсин.

*Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ,*
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.*

| | |
|---|---|
| 81 | Саййид Жоруллохўжа (1924—1992) |
| 80 | Саййид Файзуллохўжа (1903—1934) |
| 79 | Саййид Фатхуллахўжа (1875—1952) |
| 78 | Саййид Орифхўжа (1840—1922) |
| 77 | Саййид Маҳмудхўжа (1810—1891) |
| 76 | Саййид Норхўжа (1778—1863) |
| 75 | Саййид Шоҳ Бўзрукхўжа |
| 74 | Саййид Шарифхўжа |
| 73 | Шоҳ Бузрукхўжа |
| 72 | Шайх Яъкубхўжа |
| 71 | Зулфиқор Шайх |
| 70 | Саййид Шукурхўжа |
| 69 | Саййид Ҳайбатулло Шайх |
| 68 | Саййид Хўжахон |
| 67 | Абдураҳмон хўжа Валий |
| 66 | Улуғ хўжаҳожи Ҳармайн |
| 65 | Хўжа Абдулазиз Баҳодирхон |
| 64 | Хўжа Низомиддин Шайх |
| 63 | Саййид Камолиддин Муҳаммад Тўлакхон |
| 62 | Саййид Абдул Ғаффор шайх |
| 61 | Саййид Олимхон Шайх |
| 60 | Саййид Тоҳирхон Шайх |
| 59 | Саййид Мўминхон Шайх |
| 58 | Саййид Дарвеш Шайх |
| 57 | Шайх Ҳованд Сармаст (Пирмаст) |
| 56 | Шайх Фатхуллохўжа Шайх |
| 55 | Ҳабибуллохўжа Шайх |
| 54 | Ҳазрат Тожиддин Шайх |
| 53 | Ҳазрат Фатхулло Шайх |
| 52 | Саййид Шайх Алоиддин хўжа |
| 51 | Шайх Зайниддин Кўҳи Орифхон Тошкандий (1164—1259) |
| 50 | Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий (1144—1234) |
| 49 | Муҳаммад Шайх Ғовсил Сақлин Аъзам |
| 48 | Шайх Абдулла Муҳаммад |
| 47 | Саййид Муҳаммад Абдулла Шайх |
| 46 | Абдулла Саййид Шайх |
| 45 | Саййид Ҳусайн Шайх |
| 44 | Шайх Саййид Қосим |
| 43 | Саййид Муҳамман Назир |
| 42 | Саййид Қосим Қутбул Аҳтоб |
| 41 | Шайх Абдураҳмон |
| 40 | Муҳаммад Қосим Шайх |
| 39 | Саййид Муҳаммад Султон Бакриддин |
| 38 | Абу Бакр Сиддиқ |
| 37 | Қуҳофа |
| 36 | Усмон |
| 35 | Омир |
| 34 | Қаъб |
| 33 | Луай |
| 32 | Ғолиб |
| 31 | Фихр |
| 30 | Назир |
| 29 | Кинона |
| 28 | Хузайма |
| 27 | Молик |
| 26 | Илёс |
| 25 | Мудар |
| 24 | Маъатт |
| 23 | Алиё |
| 22 | Удин |
| 21 | Удро |
| 20 | Хизир |
| 19 | Алиясаъ |
| 18 | Уштуб |
| 17 | Низор |
| 16 | Сомир |
| 15 | Ҳанд |
| 14 | Қайдор |
| 13 | Исмоил |
| 12 | Иброҳим |
| 11 | Торих |
| 10 | Сорих |
| 9 | Арғус |
| 8 | Фолиҳ |
| 7 | Обир |
| 6 | Солиҳ |
| 5 | Артус |
| 4 | Сом |
| 3 | Нуҳ |
| 2 | Манусалҳ |
| 1 | Идрис |

Анжуманлар

# БАХТЛИ ОИЛА — ДАВЛАТ БОЙЛИГИ

***...Шу куни «Туркистон» саройининг ёзги биносига ҳар қачонгидан ҳам кўп одам йиғилди. Ҳамманинг юзида табассум. Барча бугун ўтказиладиган мароқли тадбирнинг бошланишини интизорлик билан кутарди. Шу пайт орқа ўриндиқда ўтирган таниқли шифокор Назира Шайхованинг ўктам овози диққатимизни ўзига тортди:***

***— Музаффар аканинг елиб-югуриб, куйиб-пишиб юришига доим қойил қоламан-да! Қаранг, дам саҳнага чиқиб, нимадир деяпти, дам санъаткорлар билан сўрашиб нималарнидир уқтиряпти. Келган меҳмонлар билан самимий сўрашишни ҳам унутмаяпти.***

***— Музаффар Жаъфаров ўз ишига фидойи инсон, — қўшилди олд ўриндиқда ўтирган Шукур Дадаш. — Шу бугунги тадбирга шеърларингиздан беринг, деб мурожаат билан келди денг. Ҳали камина ёзган шеърларни ҳам эшитасиз...***

***Шу пайт саҳнага Ўзбекистон телевидениесининг сухандонлари Муслимбек Йўлдошев билан Раънохон Умаровалар чиқиб тадбир бошланишини эълон қилдилар. Ҳамманинг нигоҳи саҳнага қаратилди...***

Ҳа, «Туркистон» саройининг ёзги кошонасида «Бахтли оила — давлат бойлиги» деб номланган Юнусобод туман фуқаролари ва




ибратли оилаларнинг «Бахтли оила» кўрик-танлови якуни билан боғлиқ байрам кечаси ғоят мароқли ўтди.

Унда туман аҳолиси, маҳалла фаоллари билан бир қаторда таниқли санъаткорлар ҳам иштирок этди. Тумандаги олтита кичик ўрамда, сўнгра туман миқёсида ўтказилган кўрик-танлов ғолиб ва совриндорларига Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан фахрий ёрлиқлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Жумладан, бош совринга «1-Отчопар» маҳалласидан Абдувосиқ ота Номировлар оиласи лойиқ деб топилди. Иккинчи ўринни «Матонат» маҳалласидан Ниёзматовлар ҳамда «Обод» маҳалласидан Саъдиевлар оилалари, рағбатлантирувчи ўринларни эса «Ўзбекистон Мустақиллиги» маҳалласидан Ҳайдаровлар, Ш. Мансурхўжаев маҳалласидан Отабоевлар, «Туркистон» маҳалласидан Мамадиёровлар оилалари эгаллади.

«Одамларимиз, жамиятимиз мафкурасида Ватан, юрт ғояси устувор бўлмоғи керак. «Миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак», деган Президентимизнинг фикрлари бугунги кунда ҳар бир мустақил юрт фарзандлари қалбидан жой олган. Шунингдек, ҳукуматимиз ва шахсан Президентимиз томонидан бу йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши юрагимизда юртимизга, мана шу тупроққа, Ватанга юксак ифтихор ва садоқат туйғусини уйғотади.

— Шу яқин юз йилларда тарихимизнинг энг буюк воқеаси мамлакатимизнинг мустақилликка эришганлигидир, — деди Юнусобод тумани ҳокими ўринбосари Вафо Латипов. — Ҳамма-ҳаммамиз етти йилдан буён бахтли оилалармиз. Чунки Истиқлол берган эркинлик ва тенг ҳуқуқлилик каби бебаҳо неъматлар ҳар қандай нарсадан-да улуғ.

Зотан ҳали ҳеч қандай тизимда ёки мамлакатда бизнинг давлатимиздек оилаларга бу даражада давлат миқёсида аҳамият берилаётганлиги йўқ. Республика бўйича мана шундай «Бахтли оила» кўрик-танловининг ўтказилиши ҳам эътиборга моликдир.

Мазкур кечада иштирок этган таниқли санъаткорлардан Фарруҳ Зокиров, Насиба Абдуллаева, Нуриддин Ҳайдаров, Сайёра Қозиева ва бошқалар ўзларининг дилтортар қўшиқлари билан қатнашчилар қалбидан чуқур жой олдилар.

*Очил ҲАЗРАТОВ.*

*СУРАТЛАРДА: «Бахтли оила — давлат бойлиги» деб номланган тадбирдан лавҳалар.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*





Мулоҳаза

# «ЎЗ ПУЛИМГА ЧЕКЯПМАН-КУ...»

***Дунё ахборотида тез-тез наркобизнесга қарши турли-туман кураш усуллари қайд қилиниб турилади. XXI асрда нашаҳўрлик ва кашандаликнинг олдини олиш борасида дунё миқёсида улкан ишлар қилинмоқда. Аммо бозор иқтисодиёти даврида инсоният саломатлигига путур етказувчи кашандалик кун сайин авж олиб кетмоқда.***

Ҳозирда ойнаи жаҳонда, радиода ва газеталарда қайта-қайта тамаки маҳсулотлари рекламасини намойиш этиш, кўчалардаги ёзувларда чекишни тарғиб қилиш давом этмоқда. Ахир бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори эълон қилинган. Нима сабабдан мутасадди шахслар қарорни бажармаётибдилар. Қизиқ, ҳозирги пайтда кўчадан тамаки сотиб олиш ҳамма учун бирдек бўлиб қолди. Фақат пул узатсангиз бас, ёшу қарига, қизу аёлга сотиб юбораверишади.

Яқинда бир нохуш воқеага гувоҳ бўлдим. Эрталаб соат 8лар атрофида автобус кутиб ўтирган эдим. Бир пайт бекат яқинидаги сигарета сотувчи олдига 10—12 ёшлардаги ўғил бола келиб сотувчига 100 сўм пул узатди. Сотувчи тамакини кимга оляпсан деб сўрамасдан болага захри қотилни сотди. Ҳалиги бола арча дарахти орқасига ўтиб, тамакини тутата бошлади. Лол бўлиб қотиб қолдим. Бироз ўтгач секин-аста ҳалиги бола олдига бориб, «Ўғлим, ахир сен ҳали жуда ёшсан-ку, нима сабабдан чекяпсан» деб сўрадим. У эса болаларга хос бўлмаган аҳволда эди: кўзлари катталашган, юзи қизарган, лаблари осилган, овозлари бўғиқ. Кутилмаганда «Амаки, мен сизнинг пулингизга папирос олиб чекмаяпман-ку, нима ишингиз бор», деб кўздан ғойиб бўлди.

Ушбу воқеадан сўнг бу ёш болани шу аҳволга солишга ким айбдор экан, дея кўп ўйладим. Фикримча ёш болалар орасида ривожланиб келаётган кашандалик касалига мамлакатимизда ҳар қадамда турли-туман тамаки маҳсулотлари очиқ сотилаётгани сабабчидир. Хўш, биз ишонган келажак авлод шу аҳволда кашандаликка берилиб кетаверса, охири нима бўлади? Фикримизча, бу борада ҳаммамиз биргаликда, яъни республикамиздаги жамики мутасадди шахслар, ота-оналар, маҳалла аҳли лоқайд бўлмаслиги керак. Кўп ҳолларда болаларимиз кўчаларда қаровсиз қолмоқда, шундан кўнглига келган ишни қилишаётир. Бу касалликнинг олдини олишликнинг ягона йўли сигареталарни кўча-кўйда сотишни мутлақо ман этишдир. Фақат жойлардаги махсус дўконларда сотишни жорий этиш зарур.

Балоғатга етмаган ёшларга тамаки сотишни гуноҳ деб, сотилган тақдирда савдо растаси раҳбарини жавобгарликка тортиш керак. Ўзимга келсак, умримда бирор марта тамаки чекмаганман. Соғлиғим яхши, ўзимни доимо жуда тетик сезаман. Бу эса, шубҳасиз, ўша захри қотилни чекмаганимдан, деб ўйлайман.

*Норқўзи ЭРГАШЕВ,*
*биология фанлари доктори.*

**Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР




**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.*

*Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.**

Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

**Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

**Манзилимиз:** 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**Телефонлар:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209*

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0237. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6. ❖ Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.